ТУМАН ҲОКИМИ ИШТИРОКИДА ФУҚАРОЛАР ҚАБУЛИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Данғара тумани халқ қабулхонасида навбатдаги туман ҳокими иштирокида фуқаролар қабули бўлиб ўтди.

Қабул жараёнида фуқаролар томонидан тадбиркорлик учун кредит олиш, газ таъминотини яхшилаш, уй-жойни таъмирлаш, 2 ва 14 ёшли бола пули, моддий ва тиббий ёрдам масалаларида мурожаатлар келиб тушди.

Барча мурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олиниб, ечими топилган мурожаатлар жойида ҳал этилди ва айрим мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар билан қониқтирилди.

Шунингдек Блогер Нигора Алимова томонидан Facebook ҳамда Telegram сахифалари орқали “СарсонБўлдимБорЙўқолДебҲайдашди...”номи остида чиқарилган тадбиркор мурожаати фуқаро Боймуродов Бахтиёржон ҳамда Чодаклик қишлоғи ахолиси ва блогер Нигора Алимова иштирокида тўлиқ мухокама этиб ўтилди.

Махалла ахолиси томонидан фуқаро Боймуродов Бахтиёржонга тегишли худуддан махаллага кириш йўли ажратилиши бўйича мурожаатлари ҳам эшитилди. Мухокама жараёнида хар икки томон ўзаро келишиб олинди. Ушбу мурожаат тўлиқ бартараф этилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,
2022-04-27 21:17:16